

УЎК (УДК, UDC): 81:130.2:6.1
DOI: 10.36078/1565759802

ТИББИЁТ ТАЪЛИМИДА ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯНИНГ АҲАМИЯТИ



Нафиса Иззатуллаевна ГАЙБУЛЛАЕВА

Таянч докторант
Ўзбек тилшунослиги кафедраси
Бухоро давлат университети
Бухоро, Ўзбекистон
nafisa.ped@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақола эвфемизациянинг лингвомаданий нутқ натижаси эканлиги, тиббиёт соҳаси тилининг лингвомаданий аспекти, шифокорнинг мулоқот маданияти, тиббиёт деонтологияси, шифокор ва бемор ўртасидаги муносабат, шифокор ва беморнинг яқинлари ўртасидаги муносабат, шифокорнинг ҳамкасблари билан муносабати, тиббий этика, психотерапиянинг шифокор фаолиятидаги ўрни каби масалалар тадқиқига бағишланган. Бундай тадқиқотлар тиббий таълим мазмунини бойитиш, тиббиёт таълимида ўқув материали сифатида ишлатилиши билан аҳамиятлидир.

Калит сўзлар: мулоқот маданияти; тиббиёт деонтологияси; тиббий этика; психотерапия; тиббий таълим.

ЗНАЧЕНИЕ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИИ В МЕДИЦИНСКОМ ОБРАЗОВАНИИ

Нафиса Иззатуллаевна ГАЙБУЛЛАЕВА

Докторант
Кафедра узбекского языкознания
Бухарский государственный университет
Бухара, Узбекистан
nafisa.ped@mail.ru

Аннотация

Статья посвящена лингвокультурологическому аспекту языка медицины и эвфемизации в результате лингвокультурной речи, исследованию коммуникативной культуры врача, медицинской деонтологии, отношению врача к пациенту и его родственникам, коллегам. Кроме того, мы попытались проанализировать проблемы медицинской этики, место психотерапии в деятельности врача. Такие исследования необходимы для обогащения содержания медицинского образования и использования в качестве учебного материала в медицинском образовании.

Ключевые слова: культура общения; медицинская деонтология; медицинская этика; психотерапия; медицинское образование.

IMPORTANCE OF LINGUO-CULTUROLOGY IN MEDICAL EDUCATION

Nafisa Izzatullayevna GAYBULLAYEVA

Doctoral Student
Department of Uzbek Linguistics
Bukhara State University
Bukhara, Uzbekistan
nafisa.ped@mail.ru

Abstract

The article is devoted to the research of communicational culture of doctors, medical deontology, doctor's attitude towards patient and his/her relatives, colleagues. Besides, we tried to analyze the problems of medical ethics, the place of psychotherapy in doctor's activity, linguocultural aspect of medical language and euphemization because of linguocultural speech. These kinds of researches are essential in enriching content of medical education and using as an academic material in medical education.

Keywords: culture of communication; medical deontology; medical ethics; psychotherapy; medical education.

Тиббий эвфемизм ва табуларнинг шифокор мулоқотидаги аҳамияти. Ўзбек тилшунослигида тил маданиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда ва лингвистиканинг лингвокультурология сатҳи тараққий этмоқда. Зеро, мазкур йўналишнинг асосий объекти маданият ва тил алоқадорлигини, уларнинг ўзаро боғланиши, ўзаро таъсирини бир бутун яхлит тизим сифатида ўрганишдан иборат. Тилнинг асосий бирлиги, маданий нутқнинг етакчи унсури бўлган ҳамда ахлоқий ва маданий жиҳатдан қўлланилиши таъқиқланган ёки ноқулай деб топилган сўзлар ўрнига қўлланадиган эвфемизмлар ҳам лингвокультурологиянинг ўрганиш манбасига мансубдир.

Айни дамда профессионал нутқнинг барча тармоқлари эвфемик воситаларини ўрганиш, эвфемиялогияни илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ривожлантириш, маълум касб доирасида қўлланувчи эвфемик иборалар луғатини тузиш долзарб саналади. Демак, профессионал нутқ, яъни касбий соҳа билан боғлиқ нутқ ҳам услубшунослик, ҳам лингвокультурология аспектида ишланиши зарур бўлган муаммо ҳисобланади. Жумладан, тиббиёт нутқи ва унинг эвфемикасининг ўрганилиши минглаб сўз, эвфемизм, ибора ва ифодаларни бугунги умумодабий тилга олиб киришга, ўзбек тилининг тиббий эвфемик, тарихий-этимологик, этнолингвистик луғатларини яратишга ёрдам беради. Шу ўринда айтиш мумкинки, шифокорлар беморга ташхис қўйишда унинг соғлигига салбий таъсир этмайдиган тилда юмшатиб, мулойимлик

билан касалликни фан тилидан фарқли — ўзгача ифодада айтадиларки, бу тиббиёт таълимида лингвокультурологиянинг шаклланишига олиб келади.

Эвфемизм атамаси антик муаллифлар давридаёқ қўлланган. Атама грекча *яхши миш-миш, доврүқ (нутқ)* каби сўзлардан келиб чиққан. Эвфемизм дастлаб, кўпол ифодали сўзлардан сақланиш (асосан, қурбонлик қилиш вақтида), яхши белгига эга сўз, иззат-хурматни ифодалайдиган жимлик, яъни сукут сақлашни ифодаловчи сўз сифатида изоҳланган. Кейинчалик "иззат-хурматни ифодалайдиган жимлик, яъни сукут сақлаш" маъноси йўқолган.

Тараққиёт ва жамиятдаги муносабатлар инсоният томонидан бир қанча махсус қонун-қоида, тақиқларнинг ўйлаб топилишига асос бўлган. Кишилик фаолиятининг барча соҳаларида (давлат бошқаруви, автомобил бошқариш ёки кундалик мулоқот) одоб-ахлоқ қоидалари мавжуд. Қадимдан тақиқларнинг бири табу ҳисобланган. Табу — инсоннинг вазият тақозоси ёки турли сабаблар (сухбатдошни ҳақорат қилмаслик, ёқимсиз ассоциацияларни келтириб чиқарувчи тушунчалар) билан луғат бойлигида мавжуд бўлган сўзни айтишдан чекланиши. Табулашяптими, демак, ўша предмет-ҳодиса мавжуд. Шу сабабли у ҳақида қандай бўлмасин гапириш лозим. Бу эса эвфемизмларнинг қўлланилишини тақозо этади. Тиббиёт ходимлари нутқида ҳам у ёки бу касалликни аташ (*соч тўкилиши ўрнига алопеция*) ёхуд инсоннинг физиологик ҳолатини аташ учун (*сийдик ўрнига мочевина/урина*) эвфемизмдан кенг фойдаланилади.

Умуман олганда, тилшунослар эвфемизм атамаси остида тақиқланган сўз ва иборалар ўрнида қўлланилувчи бирликни бирлаштирар экан, эвфемик бирликни ноэвфемик бирликдан фарқлашнинг муайян тамойилини ишлаб чиқишда ягона фикрга келмаганлар. Эвфемик бирликни ноэвфемик бирликдан фарқлашда эвфеманинг кенг тарқалганлиги (кенг тарқалганми ёки эпизодик мавқедами); услубий хосланиши (қўлланиш соҳаси); номинациянинг метафориклиги, хушоҳанг ва ёқимлилиги; эвфемик характерга эгаллиги; эвфемизмларнинг тил ҳодисалари билан ўзаро боғлиқлиги каби белгиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Хусусан, эвфемизмни тасвирий ифода ҳамда "яширин сўз" (рус., *тайноречия*) каби икки батамом дифференциал мустақил бирликлардан фарқлаш лозим. Эвфемизмнинг белгиси ҳақида бир неча тилшуносларнинг таърифлари келтирилганлигини инобатга олиб, фақат "яширин сўз"нинг (ўзбек тили хусусиятидан келиб чиқсак, масалан, арго сўзининг) таърифини келтираамиз. Фақат маълум ижтимоий гуруҳ аъзолари томонидан ишлатиладиган ва фақат шу гуруҳ аъзоларига тушунарли бўлган,

жамиятнинг шу гуруҳга кирмайдиган бошқа қатлами учун тушунарсиз бўлган тил — “яширин сўз” (арго). Ҳарбийлар нутқида бундай бирликлардан маълумот махфийлигини сақлаш мақсадида фойдаланилади. Шифокор нутқида ҳам бемордан нутқ мазмунини яшириш мақсадида тиббий атамаларнинг лотин тилидаги муқобилининг ишлатилиши кузатилади. А. В. Осипов бирор-бир бирликнинг эвфемизм ёки аргога дахлдорлигини аниқлаш учун унинг қўлланилиш контексти ва вазиятини инобатга олиш муҳимлигини айтади. Айни бир сўз шифокор нутқида эвфемизм ва аргога бирдек тааллуқли бўлиши ҳам мумкин. Қуйидаги икки вазиятни солиштирамиз. 1-вазият: шифокор беморга педикулёз билан касалланганлигини айтди, бемор буни тушунди.

2-вазият: бир шифокор ҳамкасбига беморнинг ташхиси педикулёз эканлигини айтди (бунда шифокор ташхисни яшириш мақсадида беморнинг ушбу атамани тушунмаганлигидан фойдаланди). Биринчи вазиятда шифокор бу бирликдан нутқни юмшатиш мақсадида эвфемизм сифатида фойдаланган бўлса, иккинчи вазиятда берилаётган ахборотнинг махфийлигини таъминлаш кўзланган.

Профессионал нутқда эвфемизмнинг ўрни. Эвфемизмларнинг амал қилиш соҳаларини аниқлаш муаммоли масала. Улар фақат касбий мулоқотда эмас, кундалик ҳаётнинг бошқа жабҳаларида ҳам қўлланади. Баъзи олимлар эвфемизмларнинг фақат услубий дахлсиз бирлик эканлигини уқтиришса (А. П. Москвин), айримлари тилнинг барча услублари (сўзлашув, бадий, илмий, расмий, публицистик)га бирдек дахлдорлигини таъкидлашади (А. А. Реформатский, А. М. Кацев, Л. П. Крысин, Г. Маньковская, Т. Л. Павленко ва бошқалар). Иккинчи қараш фанда кўпроқ эътироф этилган. Е. П. Сеничкина ҳам А. А. Реформатский, Л. П. Крысин фикрларини қўллаб-қувватлайди — эвфемизмлар тилнинг барча услубларига тегишли эканлигини, кундалик ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида қўлланилишини таъкидлайди.

Сўз шифокор билан бемор алоқасини ўрнатишда муҳим аҳамият касб этадиган, муваффақиятли даволашга ёрдам берадиган воситадир. Нутқ маданияти — шифокорнинг умумкасбий маҳорати учун зарурий шартлардан бири. Шунинг учун тиббий жараённинг доимий иштирокчилари, тадқиқотчилар (психолог, файласуф, тилшунос) доимо тиббий фаолиятнинг лингвомаданий аспектига қизиқиб келишади (4, 12).

Шифокорлик — лингвоактив касб. Тиббиёт соҳаси тилининг лингвомаданий аспекти тиббиёт деонтологияси, психотерапия, тиббий этика

масалалари билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли қуйида шу омилларнинг тиббий амалиётдаги аҳамиятига тўхталамиз.

Тиббиёт деонтологияси — тиббиёт ходимларининг касбга алоқадор этикаси, дори-дармон, умуман, давонинг таъсирини оширишга қаратилган хулқ-атвор таомиллари. Деонтология, яъни кишининг хулқи, одоби ҳақидаги тушунча XIV асрнинг бошларида инглиз файласуфи ва иқтисодчиси И. Бентам томонидан муомалага киритилган. Тиббиёт деонтологиясига оид маълумотлар узоқ тарихга эга бўлиб, кенг фалсафий мазмун касб этади. Тиббиёт деонтологиясига мувофиқ, тиббиёт ходими беморга алоҳида эътибор бериши, унинг соғлиғини тиклаш, азобини енгиллатиш учун бутун билимини сарфлаши, беморга унинг соғлиғи ҳақидаги фақат фойда келтира оладиган маълумотларни айтиши, беморнинг шифокор билан сирдош бўлишига эришмоғи зарур. Беморнинг касаллиги ҳақида унинг иштирокида ҳамкасблари билан сўзлашиш ярамайди. Тиббиёт деонтологиясининг тиббий амалиётга тўғри жорий қилиниши шифокорнинг онги, савияси, маданияти, дунёқараши, билими ва қайси жамиятда яшаётганлиги билан боғлиқ равишда амал қиладиган жараён. Кишилиқ жамиятининг турли даврларида деонтологик муносабатлар турлича кечган, у замон талабига мос равишда ўзгариб борган (1, 21). Кўриниб турибдики, даволаш амалиётида деонтологиянинг муҳим фактори — нутқий омил етакчи ўринни эгаллайди, шифокор нутқи бемор психологик ҳолатини бошқаришнинг асосий воситаси саналади.

Психотерапия — беморни даволаш мақсадида қулай шарт-шароит яратиш, чиройли сўз, хушмуомалалиқ билан уларнинг онгига руҳий таъсир этиш. Психотерапиянинг рационал, тушунтириш, ишонтириш (сергаклик ва гипноз ҳолатларида), ўз-ўзини ишонтириш (аутоген машқ) ва бошқа хиллари бор (7, 31). Психотерапияда шифокор нутқи, сўзлаш маданияти, беморга сўз воситасида ижобий таъсир этиш — психологик аспект кўникмасининг шаклланганлиги шифокор муваффақияти гаровидир. Тиббиёт ходимлари нутқида психологик аспект эса бошқа аспектларга нисбатан етакчи саналади, чунки бундай мазмундаги эвфемаларнинг қўлланиш частотаси баланд. Тиббий амалиётда номи кўркув, уят, ноқулайлик, нафрат каби салбий ҳиссиёт туғдирадиган физиология, касаллик номи ва у билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар бўлади. Мана шундай бирликлар нутқда эвфемалашади. Масалан, *газ чиқармоқ* ўрнида *ел ажралмоқ* бирикмаси қўлланади: *Оғриқ овқат истеъмол қилингандан кейин кучаяди, нажас ва ел чиқаргандан сўнг эса камаяди* ("Шифо-инфо", 2017, № 39, 37). Одатда, *қисир* ўрнида *бепушт* сўзини қўллаш

ҳолатлари ҳам учрайди: *Бепуштлиқ ҳамда жинсий ҳаётдаги турли муаммолар сабабли шифохонамизга мурожаат этувчилар кўпчилиқни ташкил этади* ("Шифо-инфо", 2017, № 39, 37). Эмизмоқ сўзи кундадик мулоқотда аёлларнинг ўзаро нутқида учраб турса-да, тиббиёт ходимлари нутқида шу маънони ифодалаш, одатда, *озиқлантирмоқ* сўзи ёки *она сути билан парваришламоқ* бирикмасига юкланади: *Гўдақни ўз вақтида кўкрак сути билан озиқлантирмаслик сабабли аёлда лактостаз келиб чиқади* ("Шифо-инфо", 2016, № 20, 6). *Болани она сути билан парваришлаш тўхтатилгач, албатта, маммолог кўригига бориш зарур* ("Шифо-инфо", 2016, № 20, 7). Ушбу ўринларда сўзловчи уят ва ноқулайлик ҳиссини келтириб чиқармаслик мақсадида нутқида эвфемик birlikдан фойдаланади.

Тиббий этика (юнонча — *одат, характер*) умумий этика меъёрининг бир қисми сифатида шифокорнинг ахлоқий мезонлари, унинг хатти-ҳаракатлари, ахлоқий меъёри мажмуини, профессионал бурч ва ҳурмат, виждон ва кадр-қиммат туйғусини ўз ичига олади. Тиббий этика тиббиёт ходимининг кундалиқ ҳаёти, фаолиятида, унинг маданияти, жисмоний ва ахлоқий поклик каби муайян ҳаракатлар стандартини қамраб олади. Умуман олганда, тиббий этика шифокор ички дунёсининг кўзгуси саналади (12, 22). Нутқий этикет масаласи билан шуғулланган таниқли мутахассис Н. И. Формановскаянинг фикрича, нутқий этикет — нутқий хулқ-атвори тартибга солувчи қоидалар, суҳбатдошнинг алоқани танланган оҳангда ўрнатиш, тутиб туриш ва узиш учун жамият томонидан қабул қилинган ва буюрилган мулоқотнинг миллий ўзига хос, стереотип, барқарор формуллари эканлигини ёш авлодга, умуман, сўзлашувчиларнинг барчасига етказиш зарур (5, 54). Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадики, ҳар бир шахс, касбидан қатъи назар, нутқий этика — мулоқот маданиятини эгаллаб олмоғи зарур. Зеро, барча муносабатларда кишининг инсонлараро мулоқот жараёни жуда муҳим социопсихологик аҳамият касб этади.

Шифокор ҳаёт йўлида инсонлар билан муомала-мулоқот масаласи — энг муҳим фан. Мулоқот маданиятини эгаллаш бир жойда муқим турадиган жараён эмас, бу прогрессив жараён. Агар бу фазилат тарбияланиб борилса, шифокор шундай иқтидорнинг юксак чўққисига — донишмандликка эриша олади. Тиббий фаолият жараёнида мулоқот маданияти масаласига тўхталар эканмиз, шу ўринда *маданият* ва *мулоқот* сўзларининг изоҳига эътибор қаратишни жоиз деб билдик.

Маданият [а. цивилизация] — 1. Жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуи. *Бугунги Тошкент — йирик саноат, фан ва маданият марказларидан бири. "Саодат"*. 2. Бирор ижтимоий гуруҳ, синф ёки халқнинг маълум даврда қўлга киритган шундай ютуқлари даражаси. Мусиқа маданияти. Нутқ маданияти. *Ҳар икки йилда ўтказилаётган бу кинофорум унда қатнашаётган мамлакатлар кино маданиятида катта воқеа бўлаётир.* 3. Ўқимишлилик, таълим-тарбия кўрганлик, зиёлилик, маърифат. Маданиятдан орқада қолмоқ. Маданиятга эришмоқ. *Одамларнинг хулқ-атвори, маданияти ана шу бойликларга, хусусан, нонга бўлган муносабати билан ўлчанади.* Газетадан. *Тарбиячи сўз билан таъсир қилиш маданиятини эгаллаши зарур. "Фан ва турмуш"*. 4. Маданиятли шахс талабларига жавоб берувчи шароит. *Депутатнинг халқ фаровонлигини ошириш, турмуш маданиятини юксалтириш борасидаги ишларидан меҳнаткашлар мамнун.* Газетадан. 5. к.х. (Ўсимлик ёки экиннинг турларини) етказиш, ўстириш, етиштириш. *Хусусан, деҳқончилик маданияти бобида илгарилаб кетди улар.* Н. Ҳайитқулов, "Ер тафти" (10, 24).

Мулоқот [а. учрашиш, кўришиш; қабул қилиш] — 1. эск. кт. айн. учрашув; мусохаба 2. *Сўзга чиққанлар бундай ижодий мулоқотларни тез-тез ўтказиб туриш зарурлигини гапирдилар.* Газетадан. *Болалик оинаси полвон Қулмуҳаммад билан бўлган ширин мулоқотда яна хон зулми ошиб кетаётганидан шикоят қилди.* Мирмуҳсин, "Чўри" (10).

Юқоридаги изоҳлардан кўриняптики, маданият сўзи полисемантик; мулоқот маданияти сўз бирикмасида маданият сўзининг изоҳли луғатдаги учинчи маъноси юзага чиқяпти. Демак, мулоқот маданияти инсонлараро коммуникатив муносабатда ўқимишлилик, таълим-тарбия кўрганлик, зиёлилик, маърифат каби хислатларнинг яхлит тарзда намоён бўлишидир. А. Ивин мулоқотнинг интеллектуал ва эмоционал усулларини фарқлайди (3, 11). Интеллектуал коммуникация моҳият ва белги, энг аввало, сўз билан иш кўради. Сўздан ташқари жест, мимика, кулги, нигоҳ, бир сўз билан айтганда, тингловчига қаратилган паралингвистик воситалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мулоқот функцияси кўп қиррали, олимлар томонидан улар қуйидагича ажратилади: информацион-коммуникатив (ахборотни узатиш ва қабул қилиш); регуляцион-коммуникатив (хатти-ҳаракатни бошқаришнинг субъект-субъект муносабати; мақсадни шакллантириш (ахлоқ нормаси, ўзаро стимуляция ва бошқариш); аффектив-коммуникатив (ҳиссий система).

Мулоқотнинг бу функциялари, одатда, бир-бирини тўлдирган ҳолда маълум бир нуқтада бирлашади, интеграциялашади.

Эвфемизация — лингвомаданий нутқ натижаси. Т. Л. Павленко эвфемизацияни маданий нутқнинг, жумладан, тиббиёт нутқининг муваффақияти деб ҳисоблайди. Рус тили материаллари асосида тиббий нутқнинг эвфемик воситаларини махсус тадқиқ этган тилшунос Е. Н. Малыгина: “Ушбу воситалардан фойдаланиш мулоқотнинг асосий тамойилларидан бири — хушмуомалалик ҳамда нутқий этикетнинг ўзига хос кўриниши; шифокорнинг беморга нисбатан профессионал муносабатини ифодалаш имконини беради. Шифокорнинг айтган ҳар бир нотўғри сўзи асаби таранглашган беморнинг касаллигини чўзиб юбориши ёки беморда бошқа касаллик симптомининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Бозор иқтисодиёти даврида ҳар бир кўрсатиладиган хизмат инсон қадр-қимматига эътибор талаб қилиши, мутахассиснинг коммуникатив маданияти муҳим аҳамият касб этади” (4, 14), — деб таъкидлайди. Тилшуноснинг фикри Шарқ табobati одоби билан ҳамоҳанг. Луқмони Ҳаким билан боғлиқ бир ривоятни келтириш орқали Шарқ табobatiда сўзнинг аҳамияти жуда муҳим эканлигини исботлаймиз.

Бир куни Луқмони Ҳаким кўчада кетаётиб, олдинда бораётган бир кизнинг дам-бадам қон тупураётганини кўрибди. Ҳаким киз уйига кириб кетгач, унинг орқасидан кирибди ва қизнинг отасига: “Қизингиз бедаво дардга учрабди, афсуски, муолажанинг иложи йўқ”, — дебди. Унинг бу сўзларини ҳалиги қиз эшик орқасида эшитиб турган экан. Бирдан юраги дук-дук уриб, қалтираб йиқилибди, ҳушидан кетибди. Хуллас, шу бир оғиз сўз оқибатида қиз руҳий дардга гирифтор бўлиб, оламдан ўтибди.

Кунларнинг бирида қизнинг отаси Луқмони Ҳакимни учратиб қолибди. Шунда ота: “Таксир, қизим бедаво дардга чалинганини қандай билиб эдингиз?” — деб сўрабди. Луқмони Ҳаким дебди: “Қизингиз кўчада кела туриб, бот-бот қон туфлаганини кўрган эдим”. Бу жавобни эшитган чол шарт этиб, ўз пешанасига урибди. Кейин сал ўзига келгач: “Э, аттанг, қизим ўша куни шотут еб эди, сиз кўрган тупук шотут шарбати эди-ку!” — дебди. Ҳаким чол олдида тиз чўкиб, узр сўрабди: “Сиз менга ва биздан сўнгги авлодларга унутилмас сабоқ бердингиз. Бир сўз билан соппа-соғ одамни ўлдириш ёки беморни оёққа турғизиб юбориш мумкин экан”(8, 11—13).

Хулоса. Кўриняптики, шифокор хавфли касаллик билан боғлиқ ахборотни бемор ва унинг яқинларига етказаётганида ниҳоятда эҳтиёт

бўлиши лозим, акс ҳолда бу беморнинг руҳияти ва саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Профессор А. Омонтурдиевнинг таъкидлашича, кўпинча, воқеликни айнан ошкор баён этмасликка (табулашга) муайян муомала маданияти, ахлоқ-одоб талаби сабаб бўлади. Бу принцип бузилган вақтда нутқ яланғочланган, ўз беагаги: зебу зийнати ва ибосидан ажралган, таъсирчанлигини йўқотган, тингловчида нафрат, ғазаб уйғотган бўлади (6, 23). Олдинги мақолада эвфемизмнинг ижтимоий, психологик ва лингвистик аспектлари ҳақида тўхталгандик. Психологик аспект инсон руҳиятини инобатга олса, лингвистик аспект нутқ шароити: нутқ қаратилаётган шахснинг ҳолати, дунёқараши, вазиятни эътиборга олишни тақозо этади. Демак, шифокорда лингвомаданий мулоқот тиббий таълим олишни бошлаган пайтида касбий кўникма ва малакалар билан биргаликда шакллантирилиб борилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. https://uz.wikipedia.org/wiki/Tibbiyot_deontologiyasi
2. <https://studfiles.net/preview/548345/>
3. <https://www.dissercat.com/content/sredstva-smyagcheniya-vyskazyvaniya-v-meditinskoi-rechi>
4. https://www.ereading.club/chapter.php/1025286/9/Hramova_Polnyy_spravochnik_po_uhodu_za_bolnymi.html
5. Жумаев И. Тиббий одоб ва маданият — шифокор ва беморга мадад. <http://buxvssb.uz/?p=1340&lang=uz>
6. Қосимов А. Тиббий терминлар изоҳли луғати. Икки жилдлик. 2-жилд. Тошкент: Абу Али ибн Сино. — 2003. — 568 б.
7. Миразизов А. Ўзбек нутқий этикетига доир айрим кузатишлар // Тошкент давлат педагогика университети илмий ахборотлари, 2016. — № 4 (9). — ББ.61–64.
8. Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Филол. фан. докт. ...дисс. — Тошкент, 2009. — 253 б.
9. Тиббийёт қомусий луғати. — Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти. — 1994. — 288 б.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 4-жилд. — Тошкент: Давлат илмий нашриёти, — 2006. — 671 б.
11. Шарқ ҳикоят ва ривоятлари. Биринчи китоб — Тошкент, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, — 2015. — 525 б.
12. Эрназаров Т. Шифокор деонтологияси ва тиббий ахлоқ. <http://fsh.uz/?p=261>

REFERENCES

1. https://uz.wikipedia.org/wiki/Tibbiyot_deontologiyasi
2. <https://studfiles.net/preview/548345/>
3. <https://www.dissercat.com/content/sredstva-smyagcheniya-vyskazyvaniya-v-meditinskoi-rechi>

4. https://www.ereading.club/chapter.php/1025286/9/Hramova_Polnyy_spravochnik_pouhodu_za_bolnymi.html
5. Zhumaev I. *Tibbiy odob va madaniyat — shifokor va bemorga madad* (Medical morale and culture - support for doctors and patients), <http://buxvssb.uz/?p=1340&lang=uz>
6. Kosimov A. *Tibbiy terminlar izohli lugati* (Medical terms are explained in the text), Vol. 2. Toshkent: Abu Ali ibn Sino, 2003, 568 p.
7. Mirazizov A. *Toshkent davlat pedagogika universiteti ilmiy akhborotlari* (Scientific information of Tashkent State Pedagogical University), 2016, No 4 (9), pp. 61–64.
8. Omonturdiyev A. *Professional nutq evfemikasi* (Professional speech evfemisms), Filol. fan. dokt. ...diss. Toshkent, 2009, 253 p.
9. *Tibbiyot qomusiy lugati* (Medical dictionary kamusi), Tashkent: Qomuslarlar when editing, 1994, 288 p.
10. *Uzbek tilining izohli lugati* (Explanatory Dictionary of the Uzbek language) Vol. 4. Toshkent: State Scientific Publishing House, 2006, 671 p.
11. *Sharq hikoyat va rivoyatlari* (Stories and narrations of the East), Tashkent: East, 2015, 525 p.
12. Ernazarov T. *Shifokor deontologiyasi va tibbiy akhloq* (Doctor deontology and medical ethics), <http://fsh.uz/?p=261>